

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Самарқанд Давлат  
университети ректори  
\_\_\_\_\_ Р.И.Халмурадов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**“МАЪҚУЛЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги ОАК раиси,  
\_\_\_\_\_ А.Т.Юсупов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

**09.00.03 – ФАЛСАФА ТАРИХИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА КИРИШ ИМТИХОНИ  
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси  
Раёсатинг 2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли қарори билан  
тасдиқланган

**САМАРҚАНД - 2017**

**Тузувчи:** фалсафа фанлари доктори, проф. Ж.Я.Яхшилик  
фалсафа фанлари доктори, проф. С.Каримов

**Такризчилар:** фалсафа фанлари доктори, проф. Р.Т.Шодиев  
фалсафа фанлари доктори, проф. Қ.Б.Шодмонов

## КИРИШ

Ҳозирги кунда маданий ривожланишда миллий маънавий меросимизни чуқур ўзлаштириш, бошқа халқлар, мамлакатлар маданияти фани, фалсафаси ютуқларидан баҳраманд бўлиш ва шу асосда миллий маданиятимизнинг умумжаҳон маданиятининг ютуқлари билан доимо бойиб боришига эришиш ниҳоятда муҳимдир. Фалсафа тарихини докторант ва тадқиқотчиларга ўқитишдан мақсад уларда фалсафанинг келиб чиқиши, эволюцияси, бугунги ҳолати, инсоният ҳаётида тутган ўрни тўғрисида чуқур илмий тушунчалар ҳосил қилиш, шунингдек, уларда турли хил мифологик, диний фалсафий оқимларнинг келиб чиқиши, ривожини ва йўналишлари тўғрисида илмий хулосалар чиқара оладиган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, фалсафий таълимотларни асосли таҳлил қилишга имкон берадиган илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бу мақсадга эришишда ўтмишдаги мутафаккирларнинг асарлари, турли тарихий манбалар, хусусан, архив ҳужжатлари, махсус адабиётлар докторантлар, тадқиқотчилар илмий ишлари учун зарурий назарий асос бўлиб хизмат қилиши керак. Докторант ва тадқиқотчилар уларни объектив тарзда таҳлил қилиши, тўғри ва ҳаққоний илмий хулосалар чиқара олиши керак. Дастур тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда жаҳон фалсафий таълимотларининг тарихи худудий бўлиниш ва даврлаштириш асосида берилган, хусусан, ҳар бир қисмда маълум бир худудга оид фалсафий қарашларнинг моҳияти даврийлик асосида баён қилинган.

### **Қадимги Юнонистонда фалсафанинг шаклланиши ва ривожланиши**

Иония фалсафаси. Қадимги Юнонистонда эр. авв. VI аср ўрталари - V аср бошида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Милет мактаби. Фалес (625-547 эр. авв.) – биринчи қадимги юнон олими. Унинг математика ва астрономия ривожига қўшган ҳиссаси. Математика ва дедуктив назарий илмларнинг унинг дунёқарашини рационализациялаштиришдаги аҳамияти. “Сув – биринчи ибтидо” концепциясининг яратилиши ва моҳияти. Фалес гилозоизми, унинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлиги ва улардан фарқи. Анаксимандр (эр. авв. 610-546 йиллар). Апейрон тушунчаси, унинг биринчи ибтидо сифатидаги функцияси. Дастлабки номифологик космогонияси. Табиий қонуният, унинг ижтимоий ва антропоморф талқини. Анаксимен (эр. авв. 588–525 йиллар) таълимотнинг антимифологик йўналиши. Ҳаводан бошқа стихияларнинг юзага келиши, ҳаво ва жон масалаларининг қўйилиши. Эфеслик Гераклит (эр. авв. 544–480 й). Логос табиий зарурият ғояси шаклланишнинг ифодаси. Гераклит инсон ва унинг онги, жони ҳақида. Билишда ҳиссиёт ва ақлнинг роли тўғрисида. Гераклит диалектикаси: борликнинг умумий оқувчанлиги, ўзгарувчанлиги ҳақидаги қарашлари. Пифагор (эр. авв. 580-500 йиллар), унинг фалсафий таълимоти. Илк пифагорчиларнинг диний-ахлоқий қарашлари. Пифагорчиларнинг математика ривожига роли, уларнинг астрономик қарашлари ва космос ҳақидаги тасаввурлари. Сферанинг ҳамоҳанглиги (гармония) ҳақидаги таълимотлари. Соннинг борлик ибтидоси сифатида асосланиши. Пифагорчиларнинг қарама-қаршилиқлар ҳақидаги таълимотлари. Элей фалсафий мактабининг шаклланиши. Ксенофан (эр. авв. 565–473 йиллар)нинг антропоморф, политеистик мифологияни ва динни танқид қилиши. Ксенофан таълимотидаги қарама-қаршлик. Парменд (эр. авв. 540-515 й) элей фалсафий мактабининг йирик вакили. Пармениднинг билиш назарияси, унинг ақл ва ҳиссиёт тўғрисидаги қарашлари. Пармениднинг физикавий ва космологик қарашлари. Элейлик Зенон (490-430 й)нинг ҳаракат ва қўплика қарши чиқиши. Зенон апорияларининг моҳияти, уларнинг антик математика, физика ва мантикнинг ривожига таъсири. Эмпедокл (эр. авв. 490-430 йиллар)нинг борликнинг илдизлари ҳақидаги таълимоти. Жисмларнинг заррачалари, уларнинг жисмларнинг пайдо бўлиш манбаи эканлиги тўғрисидаги қарашлари. Муҳаббат ва ёвузлик – табиий жараёнларини ҳаракатга келтирувчи кучлар сифатида. Анаксагор (эр. авв. 500-428)нинг фалсафий таълимоти. Унинг материя ҳақидаги қарашлари. “Уруғлар”

(гомеомериялар) ва жисмларнинг юзага келиши, материянинг йўқ бўлиб кетмаслиги. “Nous” (ақл) табиий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч.

### **Софистлар. Сукрот ва Сукрот мактаблари**

Софистика - эр. авв. V-асрнинг иккинчи ярми VI-асрнинг бошларида юзага келган рационал оқим. Кулдорлик демократиясининг ютуқлари ва фукороларнинг гуманитар таълимга эҳтиёжларининг ошиши. Афина - Қадимги Юнонистондаги таълим ва маданиятнинг маркази. Пуллик таълимнинг вужудга келиши. “Софист” атамасининг пайдо бўлиши. Софистиканинг фалсафа тарихидаги ўрни. Замондошлари томонидан софистикага баҳо бериш ва бу ҳодисага ёндашишда юз берган ўзгаришлар. Протагор (эр. авв. 480-410 йй.)нинг барча мавжудликнинг оқувчанлиги тўғрисидаги таълимоти. “Инсон - барча нарсаларнинг мезони” ғояси. Ҳақиқатни тушунишдаги сенсуализми, релятивизми ва субъективизми. Горгий ва унинг билиб бўлмаслик ва борлиқнинг йўқлиги ҳақидаги мулоҳазалари. Софистларнинг диний скептицизми ва мифларни табиий талқин қилишлари. Софистларнинг катта гуруҳининг ижтимоий – ахлоқий қарашлари. Ликафрон ва Алкидамант инсонлар тенглиги ҳақида. Критий, Каллик ва Фразимахлар – демократиянинг душманлари. Критий динларнинг келиб чиқиши ҳақида. Сукрот (эр. авв. 470/ 469-399 йй. )нинг ҳаёти ва ижоди. Давлат, унинг фаолиятига муносабати. Сукротнинг ўлими. Сукрот қарашлари ҳақида манбалар, маълумотлар. Сукрот фалсафасининг антропологик моҳияти. Натурфалсафанинг инкор этилиши ва фалсафанинг ҳаёт тарзи маъносида тушунилиши. Сукрот “майевтика”си. Сукротнинг ахлоқ ҳақидаги доктринаси. Сукротчилар мактаблари. Антисфен – киниклар мактабининг асосчиси. Антисфеннинг сенсуализми ва умумийликнинг реаллигини инкор этиши. Синоплик Диоген ва киникларнинг ахлоқий қарашлари Киникларнинг эллин маданияти тарихидаги роли. Кирен мактаби. Аристипп таълимоти, унинг сенсуализми ва гедонизми. Феодор “Худосиз” ҳақида. Кейинги даврдаги киникларнинг пессимизми. Мегар мактаби. Евбулид ва мегарликларнинг рационализми. Евбулид ва киренлик Диадорнинг софизми. Стилпон таълимоти. Мегарликларнинг мантиқни ривожлантиришдаги роли.

### **Классик Юнон фалсафаси. Қадимги юнон атомизми**

Абдерлик Демокрит (эр. авв. 460-370 йй.). Атомистик принципларнинг ривожлантириши. Атомизм - табиат ҳодисаларини универсал тушунтириш принципи. Демокрит детерминизми: зарурият категорияси ва унинг сабабият билан боғлиқлиги. Тасодифият сабабсизликнинг инкор этилиши ва «илоҳий аралашув», тақдир сифатида. Демокритнинг космогонияси ва космологияси. Оламнинг чексизлиги ва айрим дунёларнинг чекланганлиги, ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида. Онг тўғрисидаги қарашлари. Унинг гносеологик таълимоти. Демокритнинг натуралистик методологияси ҳамда жамият ва давлатнинг келиб чиқишини тушунтириши. Платон (эр. авв. 427-347 йй.) ҳаёти ва фаолиятининг асосий қирралари, унинг асарлари. Платон фалсафасининг назарий манбалари. Унинг идеализмининг гносеологик илдизлари. Ғоялар ҳақидаги таълимоти. Яратиш муаммоси ва Демиург ғояси. Дунёвий жон ҳақида. Платоннинг гносеологик таълимоти. Сенсуализм, билимлар турлари ва «хотирага олиш» масалалари. Платон диалектикаси система сифатида. Платоннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Жамиятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимоти. Платон таълимотининг ўрта аср Шарқ фалсафасига таъсири. Платоннинг фалсафа тарихида тутган ўрни. Аристотелнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари. Ўз устозининг «ғоялар дунёси» таълимотига қарши чиқиши ва унинг тўртта эътирози. Аристотель фанларнинг таснифи ҳақида. Аристотель мантиғи ва унинг фалсафий тизимидаги ўрни. Аристотель сабаблар ва оламнинг ибтидоси ҳақида: тўрт сабабнинг тавсифланиши. Аристотель натурфалсафаси. Ҳаракатнинг турлари ҳақида. Аристотелнинг гносеологик таълимоти, унда сенсуализм ва априоризм элементлари. Дедукция ва индукция ўртасидаги муносабат. Аристотель диалектикаси. Аристотел

таълимотнинг Ўрта аср Шарқ фалсафасига таъсири. Жаҳон фалсафаси тарихида Аристотелнинг ўрни ва роли.

### **Эллин - Рим даврида антик фалсафа**

Эпикур (милодий 341-270 йй.) ва унинг Афинада фалсафий мактабни ташкил этиши («Эпикур боғи»). Эпикур каноникаси (қоидалари). Сенсуализм ҳақидаги таълимоти. Эпикур этикаси ва унинг томонидан гедонизмнинг танқид қилиниши. Қадимги Стоя фалсафаси ва унинг асосий намоёндалари: Китионлик Зенон (336-264 й) ва унинг ворислари Клеанф (330-323 й) ва Хрисипп (280-205 й). Стоицизмнинг кинизим билан боғлиқлиги. Фалсафий фанларнинг таснифи. Стоикларнинг мантиғи ва билиш назарияси. Скептицизмнинг назарий манбълари Релятивизм, скептицизмнинг гносеологик илдизлари. Элидалик Пиррон (эр.ав. 365-275 йй.) скептицизмнинг асосчиси. Бахтли бўлиш имкониятининг мавжудлиги. Тимон (320-230) – скептицизмнинг биринчи адабий намоёндаси. Эрамузнинг I асрида гностицизм диний - фалсафий таълимотининг шаклланиши. Креационизмнинг пантеизм билан кўшилиши. Валентин ва Василиз – гностицизмнинг асосчилари. Неоплатончиликнинг асосий мактаблари: Александрия — Рим (эрамузнинг III аср), Сурия (IV аср) ва Афина ( V аср) мактаблари, уларнинг асосий намоёндалари. Плотин (203-270 йй.)нинг фалсафий фаолияти, унинг асарлари. Бирлик ҳақидаги таълимоти. Нурланиш жараёни, бирликнинг кўпайиши ва инқирози. Плотиннинг антисенсуализми ва билмимларнинг мушоҳадали талқин этилиши, экстаз ҳақидаги таълимотида Плотиннинг мистицизми. Прокл Афина мактабининг асосчиси ва неоплатонизмнинг системалаштирувчиси. Дунёвий жараённинг триадиалик ритми ҳақидаги таълимоти. Прокл таълимоти. Юстиниан томонидан Афина мактабининг ёпилиши. Антик фалсафанинг расман тугалланиши.

### **Марказий Осиёда маданият ривож**

Зардуштийлик диний фалсафий таълимотининг пайдо бўлиши. «Авесто» – зардуштийлик таълимотининг ёзма манбаи. Зардуштийликнинг асосий ғоялари. Кейинги даврларда зардуштийликнинг мазмуни ва шаклининг ўзгариши. Эрон ва Марказий Осиёдаги VII аср ўрталарида ва VIII аср бошларида араблар истилосидан кейин исломнинг ҳукмрон динга айланиши, зардуштийларнинг қувғин остига олиниши. Монийлар таълимотининг Эронда вужудга келиши «Монийлик хати» алифбосининг яратилиши. Унга христианлик ва гностик фалсафий таълимотларининг таъсири. Буддавийлик таълимотининг Кушонлар даврида Марказий Осиёда пайдо бўлган янги динлардан бирига айланганлиги. Марказий Осиёнинг жанубий қисми бакт даврида буддавийлик диний-фалсафий оқимнинг кенг тарқалганлиги. Бу ерда будда таълимотининг янги оқимларидан яна бир бўлган авайибхаша таълимотининг кенг тарқалиши.

### **Исломнинг Марказий Осиё ва яқин Шарқ мамлактларига ёйилиши**

VI аср охири VII аср бошларида яъни ислом динининг вужудга келиши. Араб қабиалари ўртасидаги марказлаштиришга интилиш ҳаракатлари. Ислом дини асосларининг муқаддас китоблар – қуръон ва ҳадисларда баён этилиши. Қуръонга ва бошқа диний манбаларга асосланган ҳолда ақидалар ва шариат қонунларининг ишлаб чиқилиши. Исломнинг асосий йўналишлари: оқимлари ва маҳзаблари. Шианинг мустақил оқим сифатида VII аср охири VIII асрнинг биринчи ярмида шаклланиши, унинг мафкураси. Шиалар ичида исмоилийлар ва карматлар оқимининг вужудга келиши. Имом Мухаммад Маҳди ҳақидаги таълимот. Муътазилийлар (арабча - ажралиб чикқанлар, узоқлашганлар) таълимотининг илк ислом илоҳиёти оқимларидан бири эканлиги, унинг халифаликда расмий эътиқод сифатида танилиши. Мутаваккил (847-861 йй.) даврида бу таълимотнинг тақиқланиши, илк исломга қарши бўлган оқим вакиллари - шиалар, хорижийлар бошқа дин аҳллари - яҳудийлар, хуреамийлар қатори мутаъзилийларнинг ҳам таъқиб остига олиниши. Суфийлик (суфизм, тасаввуф)нинг исломдаги фалсафий оқим

сифатида VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келиши. Суфийлар томонидан шахсий истакдан воз кечиш ғоясининг тарғиб қилиниши. Суфийликда неоплатонизм таълимоти. Абу Ҳамид Муҳаммад ибн ал-Ғаззолий томонидан тасаввуфнинг ортодоксал ислом таълимоти билан яқинлаштирилиши, унинг кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олинишга йўл очиб берилиши. Мовароуннаҳрда суфийлик оқимининг Юсуф Хамадоний (XII аср) тариқатида бошланганлиги, кейинчалик унда турли йўналишларнинг пайдо бўлиши, бу йўналишларнинг йирик намоёндалари Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавийлар таълимотлари. XIII-XIV асрларда нақшбандийликнинг вужудга келиши.

### **IX-XII асрларда Яқин, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда фалсафий фикрлар**

IX - XI асрларда Араб мамлакатлари ва Эронда ижтимоий фалсафий фикрлар. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шароит. Халифаликда давлатчилик масаласи. Илм-фан ривожини. Боғдодда «Байт ул ҳикма» («Донлар уйи» — «Маъмур академияси»)нинг ташкил қилиниши ва унинг илм-фан ривожига роли. Марказий Осиёлик олимларнинг «Маъмур академияси»ни ташкил қилишдаги ўрни ва илм-фан ривожига роли. Абу Юсуф ал-Киндий (800-865) биринчи араб файласуфи. Ал-Киндий: ҳаёти ва илмий мероси. Ал-Киндий – Арасту асарларининг шарҳловчиси. Фалсафий атамалар (терминология)нинг ишлаб чиқилиши, фанлар таснифи ва унинг методологик аҳамияти. Ал-Киндий гносеологик таълимотида сезги ва тафаккур масаласи, уларнинг ўзаро муносабати. Ҳақиқат тўғрисидаги таълимоти. Абул Ало ал-Маари (ваф. 1017 й) дунёқараши. Мааррийнинг диний скепсисдан ҳурфикрликка қараб бориши. Мааррий дунёқарашида сиёсий ва ахлоқий масалалар. Абу Бақр ар-Розий буюк эрон олими ва мутафаккири (865-925), унинг ҳаёти ва илмий мероси. Табиий-илмий қарашлари ва унинг дунёқараш аҳамияти. Ар-Розий – Шарқда атомистик таълимотнинг асосчиси. Субстанция ва акциденция, материя ва шакл муносабатлари ҳақидаги таълимот. Гносеологик таълимот. “Икки хил ҳақиқат”га бўлган муносабат. Ар-Розий дунёқарашида инсон ва унинг ижтимоий ҳаётда туганган ўрни масаласи. Ар-Розий ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашларига ўрта аср мутафаккирлари ва илоҳиётчиларининг муносабати. IX-XII асрларда Марказий Осиёда марказлашган мустақил феодал давлатларнинг вужудга келиши: сомониёлар, қорахонийлар, ғазнавийлар давлатининг вужудга келиши ва уларнинг минтақа иқтисодий ва маданий ривожига аҳамияти. Шарқ Уйғониш даври ва унинг хусусиятлари. Хоразмда «Мажлис ул-Уламо» (Олимлар мажлиси – Маъмур академияси)нинг ташкил этилиши ва табиий-илмий илмларнинг ривожини. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар табиий-илмий қарашларининг дунёқарашидаги, аҳамияти. Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг вужудга келишида халқ ҳаракатларининг ўрни. Абу Наср Форобий (873-950 й.). Форобий онтологик қарашларининг ғоявий илдизлари. Форобий онтологик ва космологик таълимотида пантеизм ва неоплатонизм ғоялари. Фанлар таснифи. Билишда сезги ва тафаккурнинг роли ва муносабати ҳақида. Форобий мантикий қарашларининг методологик аҳамияти. Форобий - ўрта асрда социологик таълимот асосчиси. Ҳукмронлик шакллари. Давлатнинг келиб чиқиш сабаблари. Орзудаги жамоа ва унинг ҳукмронлик усули. Инсон ҳаётининг мазмуни ва бахт саодатга эришув воситалари. Форобий дунёқарашининг келгусидаги ижтимоий фикр тараққиётига таъсири. Беруний - ўрта асрнинг қомусий олими. Беруний табиий-илмий қарашларининг илмий ва дунёқараш аҳамияти. Беруний фан тарихчиси. Беруний онтологик қарашларининг диалектик моҳияти. Космологик ва космогоник таълимотида илмийлик анъаналари. Беруний дунёқарашида диалектика унсурлари. Икки хил ҳақиқат масаласи. Беруний социологик қарашлари. Одамнинг келиб чиқиш тарихи. Жамият тараққиётида географик муҳитнинг аҳамияти ҳақида. Карматлар ҳаракатига муносабат. Беруний ахлоқий қарашларининг инсонпарварлик моҳияти. Оила ва никоҳ масаласи. Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг

хаёти ва илмий мероси. Ибн Сино онтологик таълимотида неоплатоник унсурлар. Ишроқия (илоҳий нурланиш) фалсафаси. Моддий олам тузилиши ва ривож ҳақидаги таълимот ва унда диалектика унсурлари. Космологик таълимот. Борлиқдаги сабабий боғланишлар ҳақида. Ибн Сино гносеологик қарашлари. Мантиқ ва унинг билишдаги ўрни масаласи. Фанлар таснифи. Ибн Сино жамият ва давлат ҳақида. Инсониятнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида. Ахлоқий қарашлар ва уларнинг инсонпарварлик моҳияти. Ибн Синонинг педагогик қарашлари. Мамлакатни бошқаришда иқтисодий сиёсат ва омилларнинг ўрни ҳақида. Динга бўлган муносабати. Ибн Сино хурфиқрлиги. Абу Абдуллоҳ Хоразмий (ваф.997) ва унинг «Мафотех ул-улум» асари. Фанлар таснифи, унинг методологик аҳамияти. Хоразмий фалсафай қарашларида перипатетик фалсафанинг якуний тарзда намоён бўлиши. Юсуф Хос Ҳожибнинг дунёқараши. Унинг «Қутадғу билиг» асарида инсоннинг ижтимоий моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий вазифаси каби масалалар. Давлатчилик ва давлатнинг бошқариши масалалари. Ахлоқий қарашлари. Маҳмуд Қошғарий дунёқараши. Унинг «Девону луғат ат-турк» асарида халқлар томонидан яратилган ахлоқийлик мезонларининг акс этиши. «Девону луғат ат-турк» - Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг хусусиятлари ҳақидаги муҳим манба.

### **IX-XII асрларда Марказий Осиё ва яқин Шарқ мамлакатларида диний илмлар ривож.**

Марказий Осиёда ҳадис илмининг ривож. Имом Бухорий ва унинг «Саҳихи» Имом Бухорий асари. «Саҳих»да ахлоқий, ижтимоий муносабатлар масалалари талқини. Ат-Термизийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Шариатга ижимоъ рай, қиёс каби рационалистик ақидаларнинг киритилиши. Уларнинг ислом мафқураси ва шариати учун ижтимоий аҳамияти, Термизий асарларининг келгусидаги илғор илмий-ахлоқий қарашлар ривожига таъсири. Имом Мотрудий ва унинг «Тавҳид» асари. Мотрудий исломилоҳиётчилининг назариётчиси. Мотрудий томонидан ислом ақидаларимиз моҳиятини реал ҳаётга тадбиқ қилиб талқин қилиниши. Матуридий қарашларининг ислом илоҳиётчилик тарихидаги ўрни. Суфизмнинг ислом дини қобиғида диний-фалсафий таълимот сифатида вужудга келиши. Суфизмнинг мазмуни, моҳияти, тараққиёт босқичлари. Суфизмнинг ижтимоий ва ғоявий илдизлари. Суфизм амалиёти ва назариёти. Суфизмнинг оқимлари. Тасаввуфнинг ирфоний таълимоти. Кашф ва илҳом. Мувоқабат, мушоҳада ва муҳосаба. Суфизм адабиётида рамз (символика)ларнинг ишлаб чиқиши. Абу Хомид Ғазолий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавийларнинг мероси ва тасаввуфий таълимотлари.

### **XII- XIV асрларда Марказий Осиёда фалсафий ва ижтимоий фикрларнинг ривожланиши**

Аҳмад Югнакийнинг дунёқараши. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ўрганувчи асар эканлиги. Маҳмуд Қашғарийнинг фалсафий қарашлари. Чағминийнинг фан тарихида тутган ўрни. Марказий Осиёда XIII – XIV асрда ярмида ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳвол. Мистик таълимотларнинг кучайиши. Марказий Осиёда суфизмнинг турли оқимларнинг вужудга келиши ва тарқалиши. Суфизм амалиёти ва назарияси ўртасидаги умумийлик ва тафовутлар. Яссавизм оқимнинг вужудга келиши. Яссавийнинг юксак ахлоқий поклик ва инсонийлик ҳақидаги ғоялари. Яссавизмнинг Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида тутган ўрни. Румий таълимотида суфизм амалиёти ва назарияси муносабатлари. Унинг комил инсон ҳақидаги таълимоти. Румий дунёқарашида диалектика элементлари, оламнинг бирлиги, уларнинг хал қилиниши йўллари. Румий мероси ва дунёқарашининг тарихий аҳамияти. Нақшбандийликнинг ижтимоий ҳаётга, меҳнатга, дунё ноз-неъматларига, инсонга, ватанга, халққа муносабати. Нақшбандизмда назария масалалари: оламнинг илоҳий бирлиги, табиатнинг илоҳийлиги. Нақшбандизмнинг XV-XVI аср мутафаккирлари

дунёқарашига ва бадий адабиётга таъсири. Пахлавон Махмуднинг фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий қарашлари. Унинг дунёқарашига ахлоқий насихатгўйлик, инсон маънавий камолоти, меҳнатқаш омма манфаатлари учун ўзлигидан воз кечиш ғоясининг асосий ўрин эгаллаши. Тафтазонийнинг фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий қарашлари. Тафтазонийнинг ислом фалсафаси, калом, мантик, хандаса (геометрия), шеърят ва араб тили граматиқаси соҳасида қилган ишлари. Ушбу даврлардаги илмий-фан ва маданиятнинг маънавиятимиз тарихидаги аҳамияти.

#### **XV-XVI асрларда Марказий Осиёда фалсафий фикрларнинг ривож**

XV-XVI асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол. Мўғуллар истилосига қарши кураш. Сарбадорлар бошчилигидаги халқ ҳаракати. Амир Темур ва унинг сиёсий қарашлари. Темурийлар сулоласининг ўрнатилиши. Фан ва маданиятнинг Самарқанд ва Ҳирот мактаблари ҳақида. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда Темурийлар сулоласининг роли. Улуғбек (1395-1449)нинг ҳаёти, сиёсий ва илмий фаолияти. Улуғбек асторономик мактабининг табиий-илмий фанлар ривожига роли. Улуғбек табиий-илмий меросининг аҳамияти. Улуғбекнинг хурофатга қарши кураши ва унинг хур фикрлиликнинг ривожига роли. Аловиддин Али Қушчи (1403-1474)нинг табиий-илмий қарашлари ва унинг дунёқарашига аҳамияти. Заҳриддин Бобур (1482-1530)нинг ҳаёти, ижоди, фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий таълимлари. Бобур – йирик давлат арбоби. Абдурахмон Жомий (1427-1492)нинг борлиқ ҳақидаги таълимотида оламнинг бирлиги масаласи. Ягона илоҳий субстанциянинг ўзини намоён қилиш усули ҳақида. Пантеизм элементлари ва табиатнинг илоҳийлаштирилиши ва улуғланиши. Сиёсий-ахлоқий қарашлари. Идеал жамият ҳақидаги таълимоти. Гуманистик ғоялари. Диний қарашлари. Унинг Шарқ перепатетик фалсафасига бўлган муносабати. Жомий дунёқарашининг тарихий аҳамияти. Алишер Навоий (1441-1501) дунёқарашининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва гносеологик илдизлари. Навоий дунёқарашига имконият ва шакл, умумий алоқадорлик ва бирлик масалалари. Билиш назарияси. Ижтимоий-сиёсий қарашлари. Давлатни бошқаришнинг подшолик шаклининг асосий принциплари ва талаблари ҳақида. Навоийнинг ахлоқий қарашлари. Ҳусайн Воиз Кошифий (1505 йил вафот этган) жамият ва жамият қонунлари ҳақида. Кошифий ахлоқ назариясида меҳнатсеварлик, сахийлик, мардлик, зукколик, донолик категориялар. Кошифий ижтимоий-ахлоқий қарашларидаги антиклерикализм ғоялари.

#### **XVII-XVIII асрларда Марказий Осиёда илғор фалсафий ижтимоий-сиёсий ва фикрлар ривож**

XVII-XVIII асрларга келиб илм-фан, санъат ва маориф ишларида эришилган асосий ютуқлар. Мирзо Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Бедилнинг фалсафий қарашлари. Унинг пантеистик таълимоти. Бедилнинг калом ва Суфизмга муносабати. Бедил оламни билиш тўғрисида. Бедил ижодида инсон ва инсонийлик муаммоси. Бедил жамият ва давлат тўғрисида. Унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлари. Бедил ижодининг тарихий аҳамияти. Бобораҳим Машрабнинг дунёқарашига. Унинг дунёқарашига муҳим ўрин олган хурфикрлик ва антиклерикал ғоялар ҳақида. Машрабнинг Суфизмга муносабати. Унинг ортодоксал ислом ақидаларига қарши туриши. Машраб ижодида пантеистик ғоялар. Машраб илғори сурган худо ҳақидаги тушунча. Унинг ижодида нақшбандлик ғояларининг ўрин олганлиги. Машраб ижодида инсон ва инсонпарварлик ғоялари.

#### **XIX-XX аср бошида Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий фикрлар**

XIX аср бошида Қўқонда марказлашган феодал давлатнинг қарор топиши.. Қўқон хонлиги даврида хон саройида тўпланган сарой шоирларининг оламнинг келиб

чиқиши, ривож ва уни билиш тўғрисида фикрларни тарғиб қилишлари ҳақида. Сарой шоирларига қарши тараққийпарвар фикрдаги Махмур, Гулханий, Огахий, Хоразмий каби шоирларнинг дунёқарашлари. Уларнинг яхшилик ва адолат тўғрисидаги фикрлари. Уларнинг бу дунёдаги ҳақиқий ҳаёт, бахт-саодат ва эркинлик, хурфикрлик ғояларининг аҳамияти. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол. Аҳмад Донишнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари. Унинг «Чавсрул вақое» «Наводир ул вақоеъ» ва бошқа асарларида фалсафий ва ижтимоий фикрларнинг баён этилиши. Аҳмад Дониш давлатни бошқариш, унинг шакллари тўғрисида. Унинг ахлоқий, эстетик қарашлари. Фурқатнинг дунёқарашлари. Фурқат ижодида таълим-тарбия ишлари ва хурфикрлилик. Муқимий дунёқарашлари. Унинг маърифатпарварлик ғоялари. Жадидлар ҳаракатининг юзага келишининг ижтимоий асослари Жадидлик оқими мафкурачиларининг жамиятда ислохотларни амалга ошириш йўлида муайян тадбирларни илгари суришлари. Жадидлар маориф ишларини ислох қилиш зарурлиги ҳақида. Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919)нинг дунёвий билимларни ва маданиятни тарғиб қилиши. Бехбудий томонидан Туркистонни бошқаришни ислох қилиш лойҳасида миллий иқтисод ва маданиятни тараққий эттириш тўғрисидаги фикрлар. Ўзбекистонда илк ижтимоий-фалсафий таълимотлар ва уларнинг ҳозирги давр учун аҳамияти. Шарқ Уйғониш даври ва Ўзбекистонда фалсафий билимлар ривожлари. Жадидлар ҳаракатининг шаклланиши.

### **Ўзбекистонда фалсафа фанининг ривожлари**

Ўзбекистонда XX аср ўрталарида фалсафий фикр ривожлари. И.М.Мўминовнинг фалсафий мактаби. ЎзР ФА ҳузуридаги И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фаолияти. Ўзбек файласуфлари томонидан Марказий Осиё халқлари фалсафий меросини ўрганилиши. Мустақиллик даврида фалсафий мероснинг ўрганилишининг методологик асослари. Ўзбек фалсафасининг шаклланиши. Миллий истиқлол мафкурасининг юзага келишидаги ижтимоий, маънавий асослар. XXI асрда нолиберализм ва социал демократи ғояларнинг ривожланиши. Эркинлик ва унинг гуманистик ҳуқуқдаги аҳамияти. Озодлик ташқи тазйиқлардан холи бўлиш кафолати. Эркинлик инсон табиатининг такомиллашувининг шартлари. Ақл эркинликнинг асосий чегараловчи куч сифатида.

### **Мустақиллик даврида фалсафий мероснинг тадқиқ этилиши ва муаммолари**

Мустақиллик даврида фалсафий меросни ўрганилишининг ўзига хос хусусиятлари. Марказий Осиё халқлари фалсафий меросини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг таваллудларининг ўтказишга бағишланган тадбирлар. Фалсафий меросни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган янгича ёндашувлар. Тасаввуф, сўфийлик таълимотларига оид олиб борилган тадқиқотлар. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти И.А.Каримов асарларида фалсафа фани ва соҳаларининг ривожлантирилиши. Фалсафадан илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилишида Ўзбекистон Республикаси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Шарқ қўлёзмалар институти, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Ўзбекистон файласуфлари жамияти фаолиятининг ўрни.

### **Ўзбекистонда фалсафа фанлари ривожининг анъанавий ва янги йўналишлари**

“Ўзбек фалсафаси” тушунчасининг моҳияти ва мазмуни. Ўзбек фалсафаси ривожланишининг анъанавий ва замонавий йўналишлари: «Ижтимоий-фалсафа», «Фалсафа тарихи», «Фалсафа ва фан методологияси», «Диалектика ва билиш назарияси», «Ижтимоий фалсафа», «Гносеология», «Онтология», «Аксиология», «Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг фалсафий муаммолари», «Маданият тарихи ва назарияси», «Инсон фалсафаси», «Сиёсат фалсафаси», «Ҳуқуқ фалсафаси», «Маданият

фалсафаси», «Тилшунослик фалсафаси», «Экологик маданият фалсафаси», «Дин ва эркин фикр фалсафаси», «Ўзбекистон фалсафаси тарихи» ва ҳоказолар. Файласуф олимларнинг фалсафа тарихи, инсон фалсафаси, замонавий Шарқ ва Ғарб фалсафаси, Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури, ижтимоий фалсафа, диалектика ва билиш назарияси, фан фалсафаси ва методологияси тарихи тадқиқотлари соҳасида мустақил Ўзбекистон Республикаси фалсафасини ривожлантиришга кўшган ҳиссалари.

#### **Фалсафа фанида миллий ғоянинг маънавий-назарий асослари**

